

Мухаммад Рахим ибн Мухаммад Хақимбий
(1709-1758-йил 24-март),
(1756-1758)

Мухаммад Рахим оталик, мангитлар сулоласининг асосчиси, кушбеги, 1756-1758-йилларда расман Бухоро хони (1747-йилдан амалда), отаси – Мухаммад Хақимбийнинг кўмаги билан аштархоний ҳукмдор Абулфайзхон саройида бош вазирлик лавозимида хизмат килган. Эрон шохи Нодиршоҳнинг Бухорога ҳужумидан кейин унинг мамлакатда мавқеи янада ошган ва Абулфайзхоннинг кизига уйланган. Бухоронинг обрўли кишилардан 12000 нафарига бош бўлиб, уларни ок уйлик сифатида Эрон пойтахти – Машҳадга олиб келган. У 1745-йилдаги каттакўргонлик Ибодуллохбий бошчилигида хитой-кипчок кавмлари кўтарган исённи бостириш учун Нодиршоҳнинг буйруғига кўра Бухорога қайтади ва кушбеги- бош вазир лавозимини эгаллайди. Айнан шу пайтдан бошлаб у Бухоро хонлигининг амалдаги ҳукмронига айланган. Мухаммад Раҳимбий буйруғи билан 1747-йилда Абулфайзхон Мир Араб мадрасаси ҳужраларидан бирида ўлдирилади. Тахтга Абдулмўминхон (1747-51), Убайдуллахон ИИИ (1751-54), Шергози (1754-56) ни ўтказиб, бу кўгирчок хонлар даврида марказий ҳокимиятга бўйсунитишни хоҳламаётган Миёнқол, Нурота, Ургут, Жиззах, Ўратепа, Хўжанд, Тошкент, Шаҳризабз, Бойсун, Хисор, Кубодиён ва бошқа бекликларини тўрт йил давомида устига юриш қилиб уларни ўзига бўйсунтиради. Буркут, баҳрин, кенагас, кипчок, юз, сарой бошқа кавмларни мамлакатнинг турли ҳудудларига кўчириб хонлиқнинг яхлитлиги ва ҳавфсизлиги учун изчил курашган. Урушлар туфайли вайрон бўлган Даргон каналини қайта тиклаттирган. Бухоро шаҳрининг мудоффа девори мустаҳкамланиб, 1752-53-йилларда баландлиги икки метрли янги девор қурилган. 1756-йил 16-декабрда Мухаммад Раҳимбий Бухоро тахтига расмий равишда хон бўлиб ўтиргач, Бухорода ҳокимият тепасига янги сулола - мангитлар сулоласининг ҳукмронлиги бошланди ва бу сулола мамлакатни 1920-йилгача идора қилган.

Мухаммад Раҳимхон мамлакатда ўзининг мутлақ ҳукмдорлигини ўрнатиш ҳамда ички бош-бошдокликни тугатиш сиёсатини тутди. Бундай сиёсатдан кўзланган мақсад – марказлашган давлатни тиклаш эди. Мухаммад Раҳимхон бу сиёсатни рўёбга чиқаришга қатъий қирришди ва барча маҳаллий ҳукмдорларни ўз ҳузурига қорлаб, уларга ўзининг асл мақсадини, ўз дастурини маълум қилди. Қайси маҳаллий ҳукмдор марказий ҳокимиятга бўйсунмаса, ундайларни аёвсиз жазога тортилишини огоҳлантирди. Хива хонлигидаги сиёсий низолардан фойдаланиб, тахтга ўз одамларини ўтказган. Мухаммад Раҳимхон йирик ер эгаларининг давлатни бошқариш ишларида шу вақтгача давом этиб келган аралашувларини кескин қамайтиришга эришган. Шундай бўлса-да, у барча бекликларнинг марказий ҳокимиятни тан олишларига тўла эриша олмаган. Бухоролик тарихчи Мирзо Абдулазим Сомий Бўстонийнинг ёзишича Мухаммад Раҳимбий Гиждувон туманидан қайтаётганида йўлда вафот этган. Бухородаги Шохруд анхори бўйида, Мозор дарвозасидаги Абу Бакр тархон қабристонида дафн этилган.